



Tadqiqot.uz

**XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**

**SOHA LINGVISTIKASI: TILSHUNOSLIK  
VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASINING  
MUAMMOLARI, YECHIMLARI HAMDA  
ISTIQBOLLARI**

**10-NOYABR  
2021**

**BUXORO, UZBEKISTAN**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**  
**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

**SOHA LINGVISTIKASI:**  
**TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT**  
**INTEGRATSIYASINING**  
**MUAMMOLARI, YECHIMLARI**  
**HAMDA ISTIQBOLLARI**  
**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**  
**materiallari**

*Buxoro, 10-noyabr, 2021-yil*

© Tadqiqot.uz

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL  
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**BUKHARA STATE UNIVERSITY**

**LINGUISTICS OF DIFFERENT  
FIELDS:  
PROBLEMS, SOLUTIONS AND  
PROSPECTS OF LINGUISTICS  
AND MEDICAL INTEGRATION**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL  
CONFERENCE**

**Bukhara, November 10, 2021**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ОТРАСЛЕВАЯ ЛИНГВИСТИКА:  
ЗАДАЧИ, РЕШЕНИЯ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ  
ЛИНГВИСТИКИ И  
МЕДИЦИНСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ  
КОНФЕРЕНЦИЯ**

**Бухара, 10 ноября 2021 г.**

**© Tadqiqot.uz**

***“Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari.–Buxoro: Tadqiqot.uz, 2021.***

Buxoro davlat universiteti O`zbekiston Respublikasi oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, O`zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligi, O`zbekiston Respublikasi sog`liqni saqlash vazirligi, O`zbekiston Respublikasi tadqiqot.uz. markazi, Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti bilan hamkorlikda “Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya o`tkazdi.

O`zbek, rus, ingliz tillaridagi mazkur konferensiya materiallarida tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g`oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari; o`zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat; tibbiyot ta`limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi; tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi; amaliy filologiyani rivojlantirish kabi mavzular doirasida mulohaza yuritilgan.

**Mas`ul muharrir**

**filologiya fanlari doktori,  
professor Abuzalova M.Q.**

**Taqrizchilar**

**filologiya fanlari nomzodi,  
dotsent Nazarova S.A.**

**filologiya fanlari nomzodi,  
dotsent G`aybullayeva N.I.**

**tibbiyot fanlari doktori (PhD),  
dotsent Ixtiyarova G.A.**

**To`plovchi va nashrga  
tayyorlovchi**

**pedagogika fanlari nomzodi,  
professor Yuldasheva D.N.**

*Mazkur to`plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma`lumotlar hamda bildirilgan fikr hamda mulohazalarga mualliflarning o`zlari mas`uldirlar.*

**© Buxoro, Tadqiqot.uz, 2021**

### Адабиётлар:

1. Гатиатуллин А.Р., Баширов А.М., Осипов Г.С., Смирнов И.В., Шелманов А.О. Методы лингвистического анализа текстов на татарском языке и их применение в поисковой системе EXACTUS // Труды Института системного анализа Российской академии наук. 2016. Т. 66. №1. С. 18-25.
2. Дыбо А.В., Шеймович А.В. Аппарат автоматического морфологического анализа для корпуса хакасского языка // Родной язык: лингвистический журнал. 2016. № 2 (5). С. 9-39.
3. Желтов П.В. Морфологический анализатор национального корпуса чувашского языка // В сборнике: Совершенствование методологии познания в целях развития науки. сборник статей по итогам Международной научно-практической конференции: в 2 ч. – 2017. – С. 11-13.
4. Исраилова Н.А., Бакасова П.С. Морфологический анализатор кыргызского языка // Пятая Международная конференция по компьютерной обработке тюркских языков «TurkLang 2017». – Труды конференции. В 2-х томах. Т 2. – Казань: Издательство Академии наук Республики Татарстан, 2017. – 327 с.
5. Куканова В.В., Каджиев А.Ю. Алгоритм работы морфологического парсера калмыцкого языка // В сборнике: Писменото наследство и информационните технологии. E!Manuscript–2014 Материали от V международна научна конференция. Отговорни редактори В.А.Баранов, В.Желязкова, А.М.Лаврентьев. 2014. – С. 116-119.

### Врач касбий махорати тузилмасыда коммуникатив компетентликнинг ўрни

Мухторов Эркин Мустафоевич\*  
10.5281/zenodo.5685092

**Аннотация.** Мақолада коммуникатив компетентлик муаммосининг долзарблиги, унинг шифокорлар учун зарурлиги, мазкур йўналишдаги тадқиқотлар соҳасида изланишлар олиб борилаётганлиги ҳақида фикр юритилади. Бемор билан мулоқот самарали бўлиши учун мулоқот жараёнида когнитив, эмоционал ва психомоторик сифатлар изоҳлаб ўтилган. Врач-бемор мулоқотининг тиббиёт психологиясидаги шакллари таснифланган.

**Калит сўзлар:** *субъект, коммуникатив компетентлик, демонстратив, ниқоблар мулоқоти, ибтидоий мулоқот, расмиятчилик мулоқот, шичан мулоқот, шахслараро мулоқот*

Ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг шиддат билан юз бериши инсонлар, жумладан, врачларнинг коммуникатив ресурсларига алоҳида талаблар қўймоқда. Шунинг учун ҳозирги давр психологиясида жамиятда юз бераётган ўзгаришларга мос келадиган хусусиятлар ва имкониятларни излаш ва тадқиқ этишга этиёж борлиги кузатилмоқда. Ҳозирги кунда “субъект-субъект” муносабатлари таркибида фаолият юритаётган мутахассислар, хусусан, врачлар коммуникатив компетентлик хусусиятига эга бўлишлари талаб этилади. Коммуникатив компетентлик соҳалараро муаммо бўлиб, уни ўрганиш билан психология, социология, педагогика каби фанлар шуғулланмоқда. Шунга

---

\*Бух.ДУПИ доценти, психология фанлари номзоди

қарамасдан, коммуникатив компетентликнинг кўпчилик томонидан эътироф этиладиган назарияси мавжуд эмас. Унинг шаклланиш ва ривожланиш омиллари ҳамда механизмларини талқин қилишга турлича ёндашувлар кўзга ташланади.

Коммуникатив компетентлик муаммосининг долзарблигига, унинг турли касбдаги мутахассислар учун зарурлигига қарамасдан, мазкур йўналишдаги тадқиқотлар фрагментал хусусиятга эга бўлиб, асосан, унинг тузилмасидаги таркибий қисмларни фаолият ва мулоқотнинг муайян параметрларига ўтказадиган таъсир доираси билан чекланмоқда.

Мамлакатимиз ва хорижда мазкур мавзу бўйича ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш шундан гувоҳлик берадики, унинг долзарблиги ва муҳимлигини барча эътироф этади, лекин унинг ўрганилганлик даражаси ана шундай эътирофга мос эмас. Россиялик психолог олимлар А.Г. Асмолов, Д.А. Леонтьев, Л.А. Петровская, Е.Б. Шестопал таъкидлашларича, психологик компетентлик таркибидаги коммуникатив компетентлик атрафлича ўрганилган.

Врачнинг коммуникатив компетентлиги унинг касбий маҳоратида етакчи ўринлардан бирини эгаллаши кўпчилик томонидан эътироф этилади. Психология фанида врачлар коммуникатив компетентлигига бағишланган махсус тадқиқотларнинг жуда кам. Бундай ҳол врачларнинг касбий маҳоратини ўстириш бўйича дастурлар тузиш ва амалиётга тадбиқ қилиш вазифасини амалга оширишни қийинлаштиради.

Врач касбий компетентлигини ташкил этувчи муҳим таркибий қисмлардан бири психологик компетентликдир. Психологик компетентликнинг таркибий қисмларидан бири коммуникатив компетентлик ҳисобланади. Врачнинг коммуникатив компетентлиги бошқа касб эгаларининг коммуникатив компетентлиги билан бир қатор умумий жиҳатларга эга. Айти пайтда, врач коммуникатив компетентлигининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Врачликдан бошқа касб эгалари коммуникация жараёнида ахборот алмашса, врач бу жараёнда ахборот алмашишдан бошқа функцияларни ҳам бажаради. Бундан ташқари, врач учун коммуникация жараёнида бошқа мутахассислар учун зарур бўлмаган сифатлар ҳам зарур бўлади. Масалан, беморлар билан мулоқот жараёнида врач учун зарур бўлган сифатлардан бири сабр-тоқатли бўлишдир. Бу сифатнинг зарурлиги врач мулоқотга киришаётган беморларнинг психологик ҳолати билан боғлиқ. Беморларнинг кўпчилиги касаллик туфайли инжиқ бўлиб қолади. Бундай ҳолат, айниқса болаларда яққол кўзга ташланади. Мазкур ҳолат врачдан, айниқса, педиатрлардан мулоқот жараёнида сабр-тоқатли, чидамли бўлишни талаб қилади. Оддий суҳбат чоғида суҳбатдошининг инжиқлиги жонига тегса, одам суҳбатни тўхтатиши ва кейинчалик мазкур суҳбатдош билан учрашишни умуман истамаслиги мумкин. Врач бундай қила олмайди.

Коммуникатив компетентлик мулоқот жараёнида когнитив, эмоционал ва психомоторик сифатларда ўзини намоён қилишда, улардан фойдаланишда ифодаланади. Бемор билан мулоқот самарали бўлиши учун врач мазкур

беморнинг характер хусусиятлари, жумладан акцентуацияларини билиши мақсадга мувофиқдир.

Акцентуацияларнинг врач кундалик фаолиятида қўллаши мумкин бўлган қатор типологиялари мавжуд. Ана шу типологиялар врачлар фаолиятида синовдан ўтар экан, уларнинг элиминацияси, яъни сараланиши юз берди. Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида кўпроқ қўлланаётган типологиялар, Шмишек типологияси, Личко типологияси ва Леонгард типологияси ҳисобланади. Ўзбекистонда психология бўйича ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш, бизнинг мамлакатимизда Леонгард типологиясига устуворлик берилаётганини кўрсатади. Бундай ҳолатни тушунса бўлади. Леонгард типологияси муаллифнинг узок йиллар давомида неврозлар клиникасида тўплаган тажрибаси асосида шакллантирилган. Мазкур концепция биринчи марта 1960 йилда Берлинда синаб кўрилган. Леонгарднинг гувоҳлик беришича, ўша даврда Берлин аҳолисининг ярмида акцентуациялар мавжуд бўлган. Кейинроқ, 2008 йилда россиялик олимлар гувоҳлик беришича, одамларнинг 90-95 фоизида акцентуациялар мавжуд. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам врач амалий фаолиятида беморлар характерида қандай акцентуациялар мавжудлигини ҳисобга олиш нақадар зарурлигини кўрсатади.

К.Леонгард акцентуацияларнинг 12 типини тавифлаб берган: намоёнишкор (демонстратив), қотиб қолувчи, педантик, кўзгалувчан, гипертим, дистим, хавотирланувчан, циклотим, экзальтациялашган, эмотив, экстраверт ва интроверт типлар. Бу типларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб бу хусусиятларни врач бемор билан мулоқотга киришганда, айниқса, оптимал комплайенс ташкил қилишда ҳисобга олиши зарур бўлади.

Комплайенс врач-бемор муносабатларида ташкил қилиниши энг муҳим бўлган ҳолат ҳисобланади. Комплайенс оптимал бўлмаса, муолажалар самарадорлиги кескин пасаяди. Оптимал комплайенснинг шаклланиши эса бу жараён самарадор бўлишини таъминлайдиган муҳим кафолатлардан бири ҳисобланади. Врачнинг биринчи суҳбатидан қониқиш ҳосил қилган бемор тузалишида биринчи қадам қўйилади.

Пациент билан врачнинг мулоқоти бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай мулоқотнинг мақсади беморнинг касаллигини даволаш, унга тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. Мазкур мулоқотдан фақат бемор эмас, врач ҳам манфаатдор. Беморнинг манфаатдорлиги унинг даволанишида бўлса, врачнинг манфаатдорлиги ўз бурчини бажаришида, касбий маҳоратини намоён қилишида ва тегишли ҳақ олишида бўлади.

Врач-бемор мулоқотининг самарадорлиги улар ўртасида бир-бирини тушунишга қанчалик эришилгани, мулоқот вазияти ва предметини қай даражада англанишига боғлиқ. Тиббий психологияга оид адабиётларда асосий эътибор врачнинг мулоқот олиб боришга қай даражада компетентлигига қаратилади. Аслида, врач-бемор мулоқотининг самарадорлиги фақат врачнинг компетентлигига эмас, балки беморнинг ҳам мулоқот лаёқатига боғлиқ бўлади. Врач билан бемор ўртасида тўғри ва яхши мулоқот ўрнатилганда, бемор тезроқ соғая бошлайди, олиб борилаётган муолажа яхшироқ самара беради, қўшимча оқибатлар камроқ бўлади.



Бемор билан яхши муносабат ўрнатишда врачнинг беморни тинглай билиш лаёқати айниқса муҳим рол ўйнайди. Беморни тинглай билиш хасталикка тўғри диагноз қўйишга ёрдам беришдан ташқари, врач-бемор ўртасида яхши психологик муносабат ўрнатилишига ҳам ёрдам беради.

Бемор билан мулоқотга киришганда, врач хасталикнинг хусусиятини ҳам ҳисобга олиши зарур бўлади. Масалан, терапия бўлимларида турли йўналишдаги беморлар даволанади. Улар орасида юрак-қон томир, ошқозон-ичак, буйрак, жигар ва бошқа аъзолар патологияси билан даволанаётган шахслар бўлади. Бу хасталиклар кўпинча узоқ вақт давомида даволашни талаб қилади. Оиласидан ва меҳнат жамоасидан узоқ вақт ажралиб клиникада даволаниш беморларда турли психогенияларни келтириб чиқариши мумкин. Психогениялар беморнинг ҳолати ва мулоқотнинг психологик иқлимигагина таъсир қилиб қолмай, асосий соматик хасталикнинг кечишини мураккаблаштириши ҳам мумкин. Бу эса, ўз навбатида, беморнинг психик ҳолатини яна ҳам ёмонлаштиради. Бундан ташқари, терапия бўлимларида даволанаётган беморларнинг кўпчилиги ички аъзолар фаолиятидан шикоят қилишади, лекин бундай соматик ўзгаришлар психогения туфайли юз бераётганини билишмайди.

Соматик сабаблар туфайли юз берган психик ўзгаришлар кўпинча ипохондрия хусусиятига эга бўлган, хавотирлиги кучли беморларда кўзга ташланади. Бундай беморлар ўзларида мавжуд хасталиклардан ташқари, йўқ касалликларни ҳам излашади. Шунинг учун улар бир кун бош оғриғидан шикоят қилса, иккинчи кун юрак оғриғидан, учинчи кун жигардан ва ҳоказо аъзолардан шикоят қилиди. Бундай вазият уларнинг ўз соғлиғига ҳаддан ташқари эътибор ва хавотир билан қарашлари туфайли юз беради. Ортиқча хавотирлилик, ўзида йўқ касалликларни излаш бора-бора уларнинг соматик ҳолати салбий томонга ўзгаришига сабаб бўлади.

Клиникаларнинг кундалик фаолиятида беморларнинг врач уларга қилган “яхши”, “ёмон” муносабати тўғрисидаги фикрларни эшитиш мумкин. Беморлар томонидан “ёмон” деб баҳоланган муносабат аслида врачнинг унга салбий муносабати эмас, мулоқот психологияси бўйича етарли билимга эга бўлмагани туфайли юз берган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатнинг сабабларидан яна бири врач билан беморнинг касалликка турли томондан ёндашишлари туфайли ҳам юз бериши мумкин. Масалан, врач биринчи навбатда хасталикнинг объектив белгиларини топишга ҳаракат қилади. Бемор эса, ўзининг касаллик билан боғлиқ субъектив кечинмалари билан ўралашиб қолган. Врач беморнинг ана шу субъектив кечинмаларини ҳам ҳисобга олиши лозим. У беморнинг кечинмаларини тўғри аниқлаш, тўғри тушуниш ва тўғри баҳолашга ҳаракат қилишдан ташқари, ана шундай ҳолатнинг сабабларини ҳам топиши ва субъектив кечинмалардаги ижобий жиҳатларни рағбатлантириб туриши ҳам зарур бўлади.

Врач билан бемор мулоқоти турли шаклларда юз беради. Врачнинг асосий вазифаларидан бири мулоқотнинг йўналишини бошқаришдан иборат. Мулоқотни бошқариш учун эса, врач мулоқотнинг турлари, шакллари, мақсадлари ва бошқа жиҳатлари ҳақида муфассал билимга эга бўлиши лозим.

Психологияга оид адабиётларда врач-бемор мулоқотининг қуйидаги шакллари тавсифланади:

1. Ниқоблар мулоқоти. Бу мулоқотнинг расмиятчилик учун амалга ошириладиган шакли. Унда ҳар икки томон ҳам бир-бирини тўлароқ тушунишга интилмайдди. Бунда улар ўзларини камтар, мулозаматли, зийрак қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Қолипли иборалар, сунъий ҳаракатлар ҳақиқий ҳис-туйғуларни ва суҳбатдошга муносабатни яшириш учун ҳаракат қилади. Бундай ҳолат даволаш жараёнида врач ёки беморнинг, ёки бўлмаса, ҳар икки томоннинг мулоқотга қизиқиш билан қарамаётганини кўрсатади. Бундай вазиятлар кўпинча мажбурий профилактик текширувлар ўтказиш пайтида юз бериши мумкин. Бундай вазиятда пациент кўриқдан мажбуран ўтаётгани учун, врач эса, пациент ҳақида тўлароқ хулоса чиқариш учун етарли маълумотга эга бўлмагани сабабли, ана шундай мавқеда бўлишади.

2. Ибтидоий мулоқот. Бунда суҳбатдошлар бир-бирига муносабатда суҳбатдошнинг “кераклилиги”, “кераксизлиги” нуқтаи назаридан ёндашишади. Бундай ҳолат пациент врачга даволаниш учун эмас, касаллик варақаси ёки маълумотнома олиш учун мурожаат қилганида юз беради. Мазкур ҳолат врач пациент орқали бирор мақсадга эришишни кўзлаганда ҳам юз беради. Бунда кўзланган мақсадга эришилгандан кейиноқ уларнинг бир-бирига қизиқиши мутлақо йўқолади.

3. Расмиятчилик учун мулоқот. Бундай мулоқот врачнинг мулоқот учун вақти, воситалари ва имконияти чекланган ҳолатларда юз беради. Масалан, участка врачининг қабул кунларида ҳаддан ташқари кўп пациент келганда шундай ҳолат юз бериши мумкин.

4. Ишчан мулоқот. Бундай мулоқот суҳбатдошнинг ёши, кайфияти, характери ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб амалга оширилганда юз беради. Бундай вазиятда врач беморнинг фикри ва хоҳишларини кўпинча ҳисобга олмасдан қарор қабул қилади.

5. Шахслараро маънавий мулоқот. Бундай мулоқот жараёнида томонлар ўзларини қизиқтирган мавзулар ёки ички сирларини баён қилишлари мумкин. Врачнинг ташхис қўйиш ва даволаш бўйича вазифалари бундай мулоқот шаклини назарда тутмайди. Лекин, бемор врачга ўзининг яқин одами каби муносабатда бўлганда, ички сирларини тўқиши мумкин. Бундай вазиятда врач беморни тинглаши ва мумкин қадар мавзунини ўзгартиришга ҳаракат қилиши лозим.

6. Манипулятив мулоқот. Мулоқотнинг бу тури худди ибтидоий мулоқот сингари суҳбатдошдан бирор-бир манфаатни кўзлаб амалга оширилади. Бундай мулоқотнинг мақсадлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, “беморни ипохондриялаш” шаклида врач беморнинг соғлигини оғирлаштириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Бунинг сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин: врач пациентнинг аҳволи оғирлашиб қолса, масъулиятни ўзидан соқит қилиш; беморни даволаш учун кўп вақт ва юқори малака зарур бўлишини кўрсатиш орқали бемордан кўпроқ ҳақ олишга ҳаракат қилиш.

Врачнинг бемор билан мулоқотга киришиши асосан, мажбурий тарзда юз беради. Бемор касаллик туфайли врач қабулига келишга мажбур бўлади. Врач ўзининг касбий мажбуриятлари туфайли бемор билан мулоқотга

киришишга мажбур бўлади. Мулоқотнинг мажбурийлиги врач ёки бемор томонидан расмиятчилик учун мулоқотга киришиш кераклигини англамайди. Мулоқот мажбурий бўлишидан қатъий назар, унинг натижаси самарали бўлиши учун ҳар икки томон ҳам самимий ва очиқ бўлиши талаб этилади. Беморнинг самимий ва очиқ бўлиши маълум даражада врачнинг коммуникатив компетентлигига боғлиқ бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Абдуллаева Ш.Х. Профессионал компетентлиликнинг ижтимоий-психологик асослари. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2017.
2. Климов Е.А. Психология профессионала: избр. психол. труды. – М.: Институт практической психологии; Воронеж МОДЭК, 2003. – 456 с.
3. Соложенкин В.В. Психологические основы врачебной деятельности. – М.: Академический проект, 2003. – С. 74.
4. Шестопал Е.Б. Психология компетентности. – Москва, 2013. – С. 71
5. Дружилов С.А. Обучение и стадии профессиональной компетентности // Непрерывное образование как условие развития творческой личности: Сб. по материалам фестиваля педагогического творчества. – Новокузнецк: Изд-во ИПК, 2011. – С. 31-33

### Этнолингвистика – этностық болмысты ұлттық тіл арқылы танып білу(Аймақтық лексика негізінде).

Мұратбек Бағила Құрманбекқызы\*  
Саламат Элеонора Сәлікжанқызы†  
10.5281/zenodo.5685094

#### Annotation

The article considers ethno – cultural vocabulary as the wealth of the Kazakh ethnic group, which has been inherited from century to Century, deeply imbued with valuable data of its culture. The national language is a very broad concept, and due to its historical development, it passes through complex and diverse transitions, it is not unified in its composition. In this article, we can see the main examples of the fact that the Kazakh national language is a monolithic language with a predominance of commonality, the unity of which, although local in nature, is a vast region, and even compatriots who, ironically, went to the extreme, freely understand each other. In this regard, local features of the Kazakh language are called Speech and are divided into groups of speech.

**Key words:** *ethno-cultural vocabulary, ethnolinguistics, Ethnos, Kazakh language, identity, culture*

Қазақ тіл біліміндегі жана салалардың бірі – этнолингвистика.Этнолингвистика-халықтың этногезін,тұрмысын,әдет-ғұрпын,мекен-жайын,басқа халықтармен тарихи-мәдени байланысын,күнделікті тұрмысын,материалдық және рухани мәдениетін зерттейтін тіл білімінің саласы.

\* Қ.Жұбанов атындағы Ақтөбе өңірлік университеті Филология ғылымдарының кандидаты, доцент(қауымдастырылған профессор)

† Қ.Жұбанов атындағы Ақтөбе өңірлік университеті Қазақ тілі мен әдебиеті мамандығы, 3-курс студенті

## МУНДАРИЖА

<b>Rasmiy ochilish. Tabriklar</b>		
<i>Hamidov O.H.</i>	<i>Rasmiy ochilish</i>	<b>6</b>
<i>Inoyatov A.Sh.</i>	<i>Tibbiyot va til mushtarakligi</i>	<b>8</b>
<i>Daminov M.I.</i>	<i>Til va madaniyat</i>	<b>9</b>
<i>Qahhorov O.S.</i>	<i>Davlat tili - millatning tirik nafasi</i>	<b>10</b>
<i>Xuseynova A.A.</i>	<i>Soha lingvistikasini rivojlantirish – davr talabi</i>	<b>11</b>
<i>Aslonova E.S.</i>	<i>Государственный язык – неотъемлемая часть духовной национальной культуры государства</i>	<b>12</b>
<b>Yalpi majlis ma’ruzalari</b>		
<i>Mengliyev B.R.</i>	<i>Tilshunoslik samara bersin.</i>	<b>15</b>
<i>Abuzalova M.Q.</i>	<i>Lingvistika va tibbiyot hamkorligi ijtimoiy zarurat sifatida</i>	<b>17</b>
<i>Чудакова В.П.</i>	<i>Психология пациента и этика врача</i>	<b>22</b>
<i>Ixtiyarova G.A.</i>	<i>Ginekologik kasallikni ifodalovchi tibbiy terminlar talqini</i>	<b>25</b>
<i>Мўратбек В.Қ.</i>	<i>Professor Q.Jўbanov уеҗбектериндеги сөзтапым негиздери (Q.Jўbanov сөзтапымындаг ‘ы лексикология мәсәлелери)</i>	<b>27</b>
<i>Adilova S.A.</i>	<i>Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida)</i>	<b>36</b>
<i>Rajabov D.Z.</i>	<i>O‘zbek tilini tadqiq etishda yangicha yondashuvlar</i>	<b>40</b>
<b>1-sho‘ba. Tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g‘oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari</b>		
<i>Ahmedov B.Y.</i>	<i>Rus va o‘zbek tillarida so‘zlarning o‘zaro tobe bog‘lanishi: boshqaruv kategoriyasi</i>	<b>42</b>
<i>Akhmedov A.R. Po‘latova S.M.</i>	<i>O‘zbek shevalarini lingvo-geografik xaritalashtirish</i>	<b>46</b>
<i>Adizova N.I.</i>	<i>Leksik birliklarning milliy o‘zlik ruhini ifodalashdagi roli (Erkin Vohidov dostonlari asosida)</i>	<b>50</b>
<i>Elova D.Q.</i>	<i>O‘zbek tili milliy korpusi uchun so‘zlashuv uslubiga xos so‘zlarni teglash masalasig oid</i>	<b>55</b>
<i>Fayazova D.S.</i>	<i>Methodological approach in teaching process</i>	<b>61</b>
<i>Fayazova D.S. Shirinboyeva B.M.</i>	<i>Empowering languageskills through modern methods</i>	<b>65</b>
<i>Jo‘rayeva D.R. Qo‘shayeva N.E.</i>	<i>O‘quvchilar va aholi imloviy savodxonligini rivojlantirishning dolzarb masalalari</i>	<b>68</b>
<i>Kurbonov A.M.</i>	<i>Tasks of effective use of the uzbek language</i>	<b>71</b>
<i>Mengliyev B.R. Hamroyeva Sh.M. Elova D.Q.</i>	<i>Qirg‘iz va yoqut tili avtomatik morfoligik tahlil vositalari tajribasidan</i>	<b>75</b>
<i>Muxtorov E.M.</i>	<i>Vrach kasbiy mahorati tuzilmasida kommunikativ kompetentlikning o‘rni</i>	<b>79</b>
<i>Мўратбек Б.Қ. Саламат Э.С.</i>	<i>Этнолингвистика – этностық болмысты ұлттық тіл арқылы танып білу(Аймақтық лексика негізінде). Ethnolinguistics- knowledge of ethnic identity through the national language (based on regional vocabulary).</i>	<b>84</b>
<i>Orifjonova F. Orifjonova M.</i>	<i>Critically discussing student teachers' ideas</i>	<b>88</b>

<i>Ortiqova G. H.</i>	<i>Harakat tarzi shakllari va nutq</i>	<b>93</b>
<i>Saduaqas N.A.</i> <i>Ibragimov T.A.</i>	<i>Qazaq tilindegi dybyys saykestigi turaly</i>	<b>97</b>
<i>Sayfullayeva R.R.</i> <i>Abuzalova M.Q.</i>	<i>Til – millat ma’naviyati va madaniyati takomilining bosh masalasi</i>	<b>102</b>
<i>Tosheva D.A.</i>	<i>The use of examples of folklore in the description of the person</i>	<b>104</b>
<i>To’yeva Z.N.</i>	<i>Bayon –o’quvchining yozma nutqini tartibga solish vositasi</i>	<b>111</b>
<i>Salomova M.Z.</i>	<i>The role of teaching speaking through technology</i>	<b>116</b>
<i>Shoimqulova M.Sh.</i>	<i>The integration of technology into language teaching</i>	<b>121</b>
<i>Sharipova F. N.</i>	<i>Integrating technology in teaching listening skills</i>	<b>125</b>
<b>2-sho’ba. O’zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat sifatida</b>		
<i>Nazarova S. A.</i>	<i>So’z birikmasi – tibbiy atamalar “bunyodkori”</i>	<b>131</b>
<i>Nazarova D.G.</i>	<i>Lexicographic problems of the uzbek language</i>	<b>136</b>
<i>Rajabov D.Z.</i>	<i>Tibbiy birliklarning elektron lug’atlari xususida</i>	<b>139</b>
<i>Sobirova D.R.</i>	<i>Qisqalik – samarali tibbiy reklama yaratishning muhim omili</i>	<b>141</b>
<i>Toirov G.I.</i>	<i>Shifokor nutqining lingvistik xususiyatlari</i>	<b>146</b>
<i>To’rayeva Sh.</i>	<i>So’z birikmasi tibbiy terminlar tizimida</i>	<b>150</b>
<i>Xamidova G.Y.</i>	<i>Особенности преподавания медицинской терминологии на уроках русского языка как иностранного</i>	<b>153</b>
<i>Xojiyeva M. Y.</i>	<i>Shaxsni tavsiflovchi so’z birikmalarining tibbiyotda qo’llanilishi</i>	<b>157</b>
<i>Yokubova Sh. Y.</i>	<i>Tibbiy matnlarda obyektli birikmalarning voqelanishi</i>	<b>161</b>
<i>Yuldasheva D.N.</i> <i>Chullieva G.T.</i>	<i>Тонина и тон звука как медицинский эфемизм</i>	<b>164</b>
<i>Navro’zova M.G’.</i>	<i>Tibbiy birliklar tadqiqi</i>	<b>172</b>
<b>3-sho’ba. Tibbiyot ta’limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi</b>		
<i>Ahmadova U.Sh.</i> <i>Bozorova G.Z.</i> <i>Mirjonov N.N.</i>	<i>Tibbiyot sohasida perifrazarlar</i>	<b>174</b>
<i>Абдуллина А.Б.</i>	<i>Мұқағали Мақатаев әңгімелеріндегі психологизм</i> <i>Psychologism in the stories of mukagali Makatayev</i>	<b>179</b>
<i>Adizova Nigora</i> <i>Adizova Nodira</i>	<i>Alisher Navoiyning tibbiy qarashlari</i>	<b>182</b>
<i>Gafurova N.T.</i> <i>Hikmatov N.I.</i>	<i>Значение языка в развитии высшего образования</i>	<b>185</b>
<i>G’aybullayeva N.I.</i>	<i>Tibbiy lingvistik birliklar platformasining amaliy ahamiyati</i>	<b>190</b>
<i>Hayitov Sh.A.</i>	<i>Alisher Navoiy tib ilmi va tabiqlar haqida</i>	<b>195</b>
<i>Haydarova N.A.</i>	<i>The importance of metaphors usage in medical discourse</i>	<b>200</b>
<i>Jumayeva M.</i>	<i>O’zbek xalq maqollarida tibbiy birliklarning qo’llanilishi</i>	<b>204</b>
<i>Kobilova F.T.</i>	<i>The problems of research on methods of foreign filology teaching with innovative approach</i>	<b>207</b>
<i>Raximov M. M.</i>	<i>Linguotherapy as the method of treatment</i>	<b>211</b>
<i>Xalikova M.X.</i> <i>Teshayeva M.Sh.</i>	<i>Shoshiyning tibbiyot ilmiga bag’ishlangan “qonuni bositiy” asarida mavjud ayrim tibbiy atamalarning lingvistik tahlili</i>	<b>214</b>
<i>Niyozova M.F.</i>	<i>Davriy nashrlarda tibbiyotga oid tasviriy vositalarning</i>	<b>218</b>

	<i>qo'llanilishi</i>	
<b>4-sho'ba. Tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi</b>		
<b>Yusupova D.Y.</b>	<i>Tilshunoslikda evfemizm hodisasi talqini (H.Xudoyberdiyeva she'rlari asosida)</i>	<b>222</b>
<b>Қалиев Е.М.</b>	<i>«Ант» драмалық дастанының тарихи және фольклорлық негізі Historical and folklore basis of the dramatic saga "The Oath"</i>	<b>228</b>
<b>Yuldasheva M.M.</b>	<i>Tibbiy pedagogik yo'nalish talabalarida milliy an'analar asosida bag'rikenglikni rivojlantirish</i>	<b>232</b>
<b>5-sho'ba. Amaliy filologiyani rivojlantirish - davr talabi</b>		
<b>Ashurbayeva R.Q.</b>	<i>Yosh avlodda tibbiy madaniyatni rivojlantirishda ona tili fanining ahamiyati</i>	<b>237</b>
<b>Istamova S. I.</b>	<i>Taqlid so'zlarning tibbiyotda qo'llanilishi</i>	<b>241</b>
<b>Qobilova A.B.</b>	<i>O'zbek va ingliz tili tibbiy perifrazalarining kognitiv-morfologik xususiyatlari</i>	<b>245</b>
<b>Toshtemirova S.</b>	<i>Tibbiyot lingvistikasi: vujudga kelishi, dolzarbligi, maqsad va vazifalari</i>	<b>248</b>